

Боғдагул Қаршиева,

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Дотцент в.б. Термиз давлат университети.

[ORCID 0009-0006-5922-5118](https://orcid.org/0009-0006-5922-5118)

ЧЕТ ТИЛЛАРДА КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНСИЯДА ТЕХНИК АТАМАЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

Аннотация: Ушбу мақолада касбий атамаларга катта эътибор берилди айниқса, алгебра, тригонометрия, элементар ва аналитик геометрия, статистика элементлари, математик таҳлил, чизикли алгебрада учрайдиган термин ва иборалар ёритилиб берилди.

Калит сўзлар: *ярим, учдан бир, чорак, диаграмма, декодлаш, гистограмма*

РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ НА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ

Аннотация: В этой статье основное внимание уделяется профессиональным терминам, особенно алгебре, тригонометрии, элементарной и аналитической геометрии, элементам статистики, математическому анализу, терминам и фразам, распространенным в линейной алгебре.

Ключевые слова: *половина, треть, четверть, диаграмма, расшифровка, гистограмма*

THE FUNCTION OF TECHNICAL TERMS IN PROFESSIONAL COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FOREIGN LANGUAGES

Annotation: This article focuses on professional terms, especially algebra, trigonometry, elementary and analytic geometry, elements of statistics, calculus, terms and phrases common in linear algebra.

Key words: *half, one-third, quarter, diagram, decoding, histogram*

Кириш. Муҳандислик фаолияти мазмунини, шунингдек, муҳандислик фанлари ўқув дастурини таҳлил қилишни асослаш учун техник олий таълим муассасасида билингвал билимлар талаб қилинадиган асосий математик бўлимлар мавжуд. Бизнинг тадқиқотимизда алгебра, тригонометрия, элементар ва аналитик геометрия, статистика элементлари, математик таҳлил, чизиқли алгебра каби бўлимларни ажратиб кўрсатамиз.

Тадқиқот методлари. Амалий математика ёки информатика каби баъзи интегратив курслар учун математиканинг мантиқ ёки гуруҳ назарияси каби кўшимча бўлимлари учун тилларни билиш талаб этилади.

Алифбо ҳарфларини ўқишда, бош (*capital or up-ercase*), кичик (*small or lowercase*) ҳарфларни, шунингдек курсив билан ёзилган (*italic*) ҳарфларни ажратиб олиш муҳим.[1] Муҳандислик соҳасида юнон алифбоси ҳарфи бўлмаган формулани топиш қийин, шунинг учун ўқувчи лар уларни қандай талаффуз қилишни билишлари керак. Бу ерда “π” рақамини ўқувчилар рус ва инглиз тилидаги “пи” шаклида талаффуз қилишга одатланганлар. Бироқ, инглиз тилида юнонча “π” ҳарфи (пай) сифатида, очик бўғинда ўқилади [2].

Оддий касрларни бутун сонлар нисбати сифатида ифодалаш мумкин. Истисно тариқасида *ярим, учдан бир, чорак*, шунингдек, тартиб сонлар ёрдамида, масалан, - олтидан бир сифатида ифодалар ишлатилади.

Мисоллар:

3/7 three over seven, 1/2 one half, 1/4 one quarter (one fourth), -3/8 minus three eighths, 23/9 twenty-three ninths, 2 3/7 two and three seventhю

Кўпгина муҳандислик топшириқларида тўлиқ ва қисман ҳосилалар, шунингдек интегралларни топиш керак бўлади. Ҳар икки турдаги операциялар математик таҳлил бўлимига киради [5].

$y = f(t)$ функциянинг вақт параметрига нисбатан ҳосиласи dy/dt билан белгиланади ва *dy over dt*, ёки *dy by dt*, ёки *the derivative of y with respect to t* деб талаффуз қилинади. Шу функциянинг вақтга нисбатан иккинчи ҳосиласи d^2y/dt^2 билан белгиланади ва *the second derivative of y with respect to t* деб

талаффуз қилинади. Математикада ҳосилалари билан операцияларни амалга ошириладиган қоидалар бор. Масалан, функциянинг ҳосиласи рамзий равишда қуйидагича ёзилади: $(u \cdot v)' = u'v + uv'$ ва математиканинг инглиз тилидаги курсларида *chain rule for derivatives* каби ёзилади.

Ушбу ўзгарувчилар ва уларнинг физик таркиби бутунлай бошқача бўлиши мумкин, масалан, нукта координатасининг тезликка боғлиқлиги ёки газ босимининг ҳажмга боғлиқлиги.

Натижалар ва муҳокама. Чет тилида ишора белгилари билан ифодаланадиган графикларни ўқиш, яъни декодлаш, маълумотни ўзлаштиришда қуйидаги натижаларга эришдик.

Графиклардан ташқари, таълим олувчилар кенг тарқалган диаграмма турларини оғзаки тасвирлай олишлари керак. Графиклар билан ишлаш ҳар қандай даражадаги олий таълим муассасаси битирувчиси учун зарур компетентлик ҳисобланади. Ҳозирги вақтда диаграммаларни қуриш, улардан электрон тақдимотларни яратишда фойдаланиш қобилияти ва оғзаки тақдимотлар пайтида фойдаланиш зарур. Шунинг учун, интеграциялашган ўқув курслари доирасида турли диаграммаларнинг билингвал аниқлаш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ахборотдаги маълумотларни декодлаш қобилиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда [7].


Диаграммаларнинг энг кенг тарқалган тури устунли диаграмма *bar chart*, гистограмма *histogram*, думалоқ диаграмма *pie chart* ҳисобланади (1-расм).

Ўқувчилар диаграмманинг фарқловчи хусусиятларини тушунарли равишда чет тилида тасвирлай олишлари керак.

Мисоллар:

a) Bar charts (diagrams) are commonly used to show the number or proportion of nominal or ordinal data which possess a particular attribute. They depict the frequency of each category of data points as a bar rising vertically from the horizontal axis.

б) Histograms are the preferred method for graphing grouped interval data. They depict the number or proportion of data points falling into a given class. While both bar graphs and histograms use bars rising vertically from the horizontal axis, histograms depict continuous classes of data rather than the discrete categories found in bar charts. Thus, there should be no space between the bars of a histogram.



1-расм. Диаграммага мисоллар: а) устунли диаграмма *bar chart*, б) гистограмма *histogram*, в) думалок диаграмма.

Кўп луғатларда *bar chart* устунли диаграмма ибораси гистограмма сифатида таржима қилинади, яъни унинг маъноси *histogram* ибораси билан бир хил. Сўзлашувда бундай алмашинувни оқлаш мумкин. Бироқ, агар, муҳандислик статистикаси ҳақида гап кетганда, бу тушунчалар бир-бирига мос келмайдиган маънони билдиради ва уларнинг қўлланилиши ҳам фарқланади [8].

Хулосалар. Шундай қилиб, биз лингвистик материалнинг иккинчи блокани кўриб чиқдик, унинг ўзига хослиги оғзаки нутқ воситаларининг маълумотни ифодалашнинг экстралингвистик белги воситалари билан ўзаро таъсиридан иборат. Ушбу турга оид ўқув материали, ҳар хил турдаги ўқув қўлланмалари, шунингдек, бевосита синфдаги интеграциялашган машғулотларда ва талабаларнинг мустақил ишини бажариш жараёнида луғат орқали киритилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Вербицкий, А. А.* Компетентностный подход и теория контекстного обучения: Материалы к четвертому заседанию методологического семинара 16 ноября 2004 г. [Текст] / А. А. Вербицкий. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 84 с
2. С. И. Коршунов , Г. Г. Самбурова . Предисловие.— «Д. С. Лотте. Краткие формы научно-технических терминов», М., Изд-во «Наука»,1971
3. *Климзо Б. Н.* Ремесло технического переводчика. Об английском языке, переводе и переводчиках научно-технической литературы. 2-е изд., переработанное и дополненное [Текст] / Б. Н. Климзо. – М.: «Р.Валент», 2006. – 508 с.
4. Валиев Т. Терминлар маъновий кўламининг қиёсий таҳлили // УзМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. №1/4.(10.00.00. №15)
5. Faxriddinova Q. B. The Role and Importance of an Integrated Bilingual Approach in Teaching English to Students //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 286-288.
6. Fakhriidinova K. B., Fakhriidinova U. N. The Use of Interactive Bilingual Learning for Teaching English Language the Ages Of 5-6 //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2021. – Т. 3. – С. 135-138.
7. Fakhriidinova, Karshieva Bogdagul. "THE USE OF INTERACTIVE METHODS FOR TEACHING ENGLISH LANGUAGE THE AGES OF 5-6." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol 7.12* (2019).
8. Каршиева Б. Ф. ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ПЕДАГОГА //Вестник современной науки. – 2017. – №. 3-2. – С. 43-44